

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**ИСАКДЖАНОВ РАМЗЖОН РАХИМЖОНОВИЧ**

**ИБН СИНО ТЕОЛОГИК ТАЪЛИМОТИДА ГНОСЕОЛОГИК  
ТАМОЙИЛЛАР**

**07.00.04 – Диншунослик**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the  
Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

**Исақджанов Рамзжон Раҳимжонович**

Ибн Сино теологик таълимотида гносеологик тамойиллар.....3

**Исақджанов Рамзжон Раҳимжонович**

Гносеологические принципы в теологическом учении Ибн Сины.....23

**Isakdjanov Ramzjon Rahimdjanovich**

Epistemological principles in the theological teaching of Ibn Sina.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

list of published works.....46

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**ИСАКДЖАНОВ РАМЗЖОН РАХИМЖОНОВИЧ**

**ИБН СИНО ТЕОЛОГИК ТАЪЛИМОТИДА ГНОСЕОЛОГИК  
ТАМОЙИЛЛАР**

**07.00.04 – Диншунослик**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/ Tar233 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iiu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мадаева Шахноза Амануллаевна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рўзमतзода Қодирқул Рўзमत ўғли**  
фалсафа фанлари доктори

**Бекмирзаев Илҳом Исроилжонович**  
тарих фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат шарқшунослик  
университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида, БИММ платформасида онлайн бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 94 70, Факс: (99871) 244 00 65, e-mail: info@IIAU.uz. Ўзбекистон халқаро ислом академияси).

Диссертацияси билан Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 00 91.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**Ш.А.Ёвқочев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

**Д.А.Рахимджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, тарих фанлари номзоди, доцент

**З.М.Исламов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда диний таълимотларни нотўғри талқин этиш, айниқса ислом дини асосларини рационал тафаккур қилмаслик натижасида динийлик ва дунёвийлик, фалсафа ва динни ажратиш ҳолати ўрта асрларда ҳам, бугунги кунда ҳам кузатилмоқда. Шундай вазиятда ислом дини таълимотларини фалсафий талқин этиш, илоҳиёт мавзусини рационал йўл орқали тушунтириш мазкур масалаларни илмий асосда тушунишга ёрдам беради. Ўз даврида Абу Наср Фаробий “Дин ва фалсафа – ҳақиқатга олиб борувчи икки йўл” иборасидан келиб чиққан ҳолда диний ҳақиқатларни фалсафий қонунлар орқали тушунтириш кишиларда дин борасида мўътадиллик ёндашувини шакллантирган. Абу Али ибн Синонинг илоҳиёт мавзусидаги гносеологик тамойиллари, динни рационал тушунтириши мавжуд муаммога ечим топишда муҳим аҳамият касб этган. Шундан келиб чиқиб диний ҳақиқатларни мантиқий талқин қилиш, илоҳиёт мавзусини ёритишда рационал тамойиллардан фойдаланиш дин ва фалсафа масалаларни тўғри англашга ёрдам беради.

Дунёда дин ва фалсафа уйғунлиги борасида кўплаб илмий-тадқиқот ишлари мавжуд бўлиб, уларда Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий таълимотлари мазкур минтақа маънавий меросининг муҳим қисми сифатида тадқиқ этилган. Марказий Осиёдаги мантиқий-гносеологик ғоялар тарихини ўрганиш нафақат ўтмиш маданияти ва фалсафасини, балки ҳозирги даврга хос ғоявий жараёнларни тўғри тушунишга ҳам имкон беради. Ибн Синонинг илоҳиётга доир мероси Ғарб мамлакатлари, россиялик, туркиялик, эронлик, тожикистонлик бир қатор олимлар томонидан ўрганилган бўлса-да, унинг диний-рационал қарашлари тизимли таҳлил қилинмаган. Олиб борилган тадқиқотларда асосан, Ибн Синонинг нафс, Рух, материянинг абадийлигига оид қарашлари тадқиқ этилган. Лекин олимнинг ислом дини манбалари, хусусан, Қуръони карим сураларига тафсири аксар тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолмоқда. Натижада, айрим тадқиқотларда алломани материалист қилиб кўрсатишга, уни юнон фалсафаси давомчиси сифатида талқин этишга ҳаракатларни кузатиш мумкин. Шу сабабли Ибн Сино тафсирини ўрганиш динийлик ва дунёвийлик уйғунлигини, шунингдек мўътадил ислом тамойилларини рационал йўл билан очиб беришда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда дин соҳасига, хусусан миллий ва диний кадриятларимизни қайта тиклаш ҳамда тўлақонли тадқиқ этиш, халқимизга соф кадриятларимизни етказишга катта эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, “...ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар ҳам бугун ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас”<sup>1</sup>. Шу маънода Абу Али ибн Сино

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 82.

илмий меросида фалсафага тегишли асарлар алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг фалсафий қарашлари шаклланишида Арасту ва Форобийнинг таъсири катта бўлган. Лекин, Ибн Сино фалсафада бу икки файласуфлар қаторида алоҳида ўринга эга бўлиб, ўзига хос мактаб яратган мутафаккир экани эътироф этилган. Ислом таълимотига асосланган Ибн Сино фалсафаси мероси нафақат ислом, балки яҳудий ва насроний дини олимлари фалсафий тафаккурига ҳам таъсир ўтказиб, алломанинг диний-фалсафий қарашларини ўрганиш биланбир қаторда жамиятдаги мажуд диний масалаларни рационал тушунишга зарурат туғилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2855-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3080-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сон “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари каби ҳужжатларда акс этган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муҳим саналади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ислом фалсафаси, хусусан, Ибн Синонинг метафизикага оид қарашлари бўйича олимлар томонидан муайян илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Бу тадқиқотларда Марказий Осиёда яшаб ижод этган баъзи олим ва файласуфларнинг илм-фан равнақига қўшган ҳиссаси, Шарқ фалсафасининг Европа олимларига таъсири, ислом ва тасаввуфнинг тарқалиши тўғрисида, калом илми ҳақидаги фикрлар баён қилинган. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари IX-X аср хусусиятларидан келиб чиққан бўлса-да, бугунги ислом фалсафасининг гносеологик ва эпистемологик масалалари таҳлилида муҳим роль ўйнайди.

Шарқ давлатларида ислом фалсафасини ўрганиш, уни тадқиқ қилишда катта ишлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Масалан, Миср Араб Республикаси Қоҳира университетининг Ислом фалсафаси факультетида ҳар йили ислом фалсафасининг турли долзарб муаммоларига бағишлаб халқаро анжуманлар ўтказилади ва анжуман материаллари тўплам ҳолида чоп этиб

борилади. Анжуманларда мисрлик файласуфлардан Муҳаммад Шарқовий, Аҳмад Арафот ал-Қози ислом гносеологиясига оид маърузалари билан қатнашиб келадилар<sup>2</sup>. Муҳаммад Лутфий Жумъа ислом файласуфлари қарашларини таҳлилий тарзда тадқиқ этган<sup>3</sup>. Эрон ислом файласуфлари томонидан ҳам муҳим тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, ислом фалсафасига оид тадқиқот ишларидан бири ҳисобланган М.Фахрийнинг «Ислом фалсафаси тарихи» асари 1983 йили Насрулло Пур Жаводий таржимасида Техронда форс тилида нашр этилди<sup>4</sup>. Туркия Республикасида ҳам ислом фалсафасига доир илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Улар орасида проф. И.Абдулҳамид, проф. М.Байрақдарнинг монографиялари<sup>5</sup> алоҳида ўрин тутади.

Ғарб ва америкалик ислом файласуфлари: С.Наср, Г.Грюнебаум, П.Ландау, И.Фаруқи, Ж.Вилямс, В.Монтгомери, М.Шариф, О.Лийман, Ф.Роузентал, У.Рудолфларнинг ислом фалсафасига оид асарларида<sup>6</sup> ислом фалсафасининг шаклланиши, унга таъсир кўрсатган омиллар, мусулмон файласуфларининг турли фалсафий қарашлари очиб берилган.

Собиқ совет даврида ҳам ислом фалсафасига доир илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Улар орасидан С.Григорян, А.Игнатенко, М.Степанянц, Н.Кирабаев, А.Мохаммедходжаев, В.Чалоян, Е.Фролова, Г.Шаймухамбетова, Т.Ибрагим, А.Сагадеев, С.Прозоровларнинг тадқиқотларида<sup>7</sup> ислом фалсафасининг долзарб муаммолари, унинг муҳим йўналишлари бўлган тасаввуф фалсафаси, калом фалсафаси, улардаги асосий йўналишлар, қарашлар ўрганилган ҳамда ислом фалсафасининг Шарқ фалсафасида ва дунё маданиятида тутган ўрнини очиб беришга эътибор қаратилган.

<sup>2</sup> Муҳаммад Шарқовий. Ал-Фалсафат ал-исламия ва таквин ал-хисс ан-нақдий. – Қоҳира, 1997. –Б. 27.; (محمد شرقاوى الفلسفة الإسلامية و تكوين الحس النقدي- القاهرة 1997)

А.Арафот. Ал-фалсафат ал-исламия ват-танвир// Ал-Фалсафат ал-исламия ва бина ал-инсан ал-маъасир. – Қоҳира, 1997. –Б. 93.

(عرفات. الفلسفة الإسلامية و التنوير// الفلسفة الإسلامية و بنا الانسان المعاصر. – القاهرة 1997)

<sup>3</sup> Доктор Муҳаммад Лутфий Жумъа. Тарих фалосифати-л-ислам. – Қоҳира, Мактабатул аъламил кутуб., 1999. – Б.320.

(دكتور محمد لطفى جمعا تاريخ الفلاسفة الإسلام. مكتبة العالم الكتب – القاهرة 1999)

<sup>4</sup> Фахрий М. Сайре фалсафа дар эслом. –Техрон, 1983

(م.فخرى. سيرى فلسف در اسلام – تهران 1983)

<sup>5</sup> Ирфон Абдулҳамид. Исломда эътиқодий мазҳаблар ва ақоид асослари. – Истанбул: Огул матбааси, 1994.; Доктор Мехмет Байрақдар. Ислам фелсефесийа кириш – Анкара, 2003.

<sup>6</sup> Hossein. N.S. Scince and civilization in islam. –Cambridge, 1968.; ўша муаллиф: Ideals and realities of islam. – London, 1971.; F.ed.Von. Grunebaum. Theology and law in Islam. –Wiesbaden.: Otto Harrasowitz, 1971. –P. 7-37.; Landau Pom. The philosophy of Ibn Arabi. –London, 1959.; Montgomery W. The Faith and Practice of al-Ghazali, Ethical and Religions Classies of East and West. –London, 1953.; Sharif M.M. History of Muslim Philosophy. T.2. –Wiesbaden, 1963.; Leamen O. and Hossein S.N. History of Islamic Philosophy. –Routledge. 1996. –P. 21-25.; Роузентал Ф. Торжество знания: Концепция знания в средневековом исламе. – М.: Наука, 1978. –372 с.; Рудолф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т.: Имом ал-Бухорий жамғармаси нашри, 2001. –398 б.

<sup>7</sup> Игнатенко А. В поисках счастья: общественно-политические воззрения арабо-исламских философов средневековья. –М.: Мысль, 1989. –255 с.; Степанянц. М.Т. Восточная философия. Вводный курс. Избранные тексты. – М.: Восточная литература РАН, 2001. – 511 с.; ўша муаллиф: Философские аспекты суфизма. –М.: Наука, 1987. – 192 с.; Ибрагим Т. Философские концепции суфизма (обзорная статья) // Классический ислам: традиционные науки и философия. Сборник обзоров/ Отв. ред. и состав. А.В. Сагадеев. – М.: ИНИОН, 1988. – С. 111.; ўша муаллиф: Ибн Сина (Авиценна). – М.: Наука, 1985. –239 с.; Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. –М.: Восточная литература РАН, 2004. – 471 с.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ислом файласуфлари ва мутафаккирларнинг фалсафий қарашлари ўрганилган, тадқиқотлар вужудга келган. Жумладан, Н.Комилов, А.Мансур, М.Қодиров, Р.Носиров, А.Шарипов, У.Алимов, А.Жузжоний, М.Ҳасаний, З.Мунавваров, Ш.Сирожиддинов, М.Имомназаров, С.Оқилов ва бошқа олимларнинг илмий ишлари<sup>8</sup> диққатга сазовордир.

МДХ давлатлари орасида Ибн Сино фалсафасини тадқиқ этган диссертациялар амалга оширилди. Р.Садыков., Ё.Ниёзов, М.Рахимов, Ф.Худойдодов, М. Каримова, З.Хакимова, С.Султонов каби олимларни санаб ўтиш мумкин<sup>9</sup>.

Ислом фалсафаси, унинг шаклланиши, ривожланиши, такомил босқичлари, ислом мутафаккирларининг турли фалсафий-ижтимоий қарашларини очиб беришга доир бир қанча асарлар ёзилган бўлса-да, мазкур тадқиқотларда ислом фалсафаси, хусусан, калом илмидаги гносеологик масалаларнинг ёритилишига оид муаммолар етарлича таҳлил қилинмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасини “Диншунослик асослари, йўналишлари, илмий тадқиқот тамойиллари, ислом дини тарихи, фалсафаси, уларнинг жамият ҳаёти ва ривожигаги ўрни билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ибн Сино теологик таълимоти мисолида рационал гносеологик тамойилларни исботлаб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Х-ХІ аср Марказий Осиё фалсафаси гносеологиясини ўрганишнинг назарий асосларини ёритиш;

Ибн Сино теологик таълимотини ўрганишда илмий манбалар асосида олиб борилган тадқиқотларни таҳлил этиш;

Ибн Сино теологик таълимотида рационал тамойилларни ёритиш ва уларнинг шаклланиш хусусиятларини очиб бериш;

---

<sup>8</sup> Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 272 б.; ўша муаллиф: Тасаввуф. II китоб. Тавҳид асрори. – Тошкент: Ўзбекистон ва Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – 206 б.; Абдулазиз Мансур. Калом илми тарихидан бир лавҳа // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2004. –№4. – 253 б.; Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. –Т.: Шарқ, 1996. –144 б.; Оқилов С. Абу Муъин ан-Насафий – мотуридия таълимоти давомчиси // ТИУ илмий- таҳлилий ахборотномаси. –Тошкент, 2004. – №1. –Б. 13-19.

<sup>9</sup> Садыков Р.Г. Человек и мир в философии Ибн Сины: Дисс. ...канд.филос.наук. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский государственный университет, 2000. -165 с., Ниёзов Ё.Б. Философия Ибн Сины в оценке современных арабских исследователей: Дисс. ...канд.филос.наук, - Душанбе: Институт философии им.ак. А.М.Богоутдинова АН РТ, 2010. - 172 с., Рахимов М.Х. Антропология Абу Али ибн Сины: Дисс. ...докт.филос.наук, - Душанбе: Институт философии и права АН РТ, 2004. - 385 с., Худойдодов Ф.Б. Сопоставительный анализ теорий суждений Аристотеля и Ибн Сины: Дисс. ...канд.филос.наук. – Москва: Институт философии им.ак. А.М.Богоутдинова АН РТ, 2011. – 108 с., Каримова М.Р. Этические проблемы в антропологии Ибн Сины: Дисс. ...канд.филос.наук. – Душанбе: Институт философии им.ак. А.М.Богоутдинова АН РТ, 2009, 141 - с., Хакимова З.А.Культурно-антропологические концепции семьи в практической философии восточных перипатетиков: Дисс. ...канд.филос.наук. – Душанбе: Институт философии, политологии и права им.ак. А.М.Богоутдинова АН РТ, 2012. – 147 с., Султонов С.А. Ибн Сина в философской традиции Франции:Дисс. ...канд.филос.наук. – Душанбе: Таджикский государственный педагогический университет им. Садриддина Айни, 2012. - 171 с.



алломанинг тафсирида рационал ва иррационал қарашлар диалектикасини исботлаб бериш;

Ибн Сино теологик қарашларининг Илк ўрта аср ислом фалсафаси ривождаги ўрнини очиб бериш;

олимнинг теологик қарашларининг фалсафий фикр тараққиётидаги ролини тадқиқ этиш, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ибн Сино теологик ва фалсафий таълимоти ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ибн Сино фалсафий қарашларидаги гносеологик тамойиллар, аллома тафсиридаги эманация таълимоти ва пантеистик ғоялардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий холислик, тарихийлик, мантикийлик, компаративистик таҳлил, дискурсив таҳлил, тизимли таҳлил, герменевтика ва фрейминг каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Арасту талқинидаги оламларни яратувчи – “Биринчи ҳаракатлантирувчи куч” (Биринчи двигател) фақат яратиш билан чекланиб, борлиқнинг ҳаракатига аралашмаслиги ва Ибн Сино талқинидаги Вожиб ал вужуд (мавжудлиги зарур бўлган) бўлган Зот оламини доимо ҳаракатга келтирувчи эканлиги ҳақидаги қарашлар очиб берилган;

илоҳиёт бўйича христианлик фалсафий қарашлари шаклланишида европалик илоҳиётчи ва файласуфларнинг юнонлар талқинидаги эмас, балки Ибн Сино томонидан илгари сурилиб, яккахудолик таълимотларига мос бўлган “Худо”ни қабул қилганликлари ҳамда Ибн Сино фалсафасида Илоҳ ҳақидаги тасаввурлар Европа христианлигига яқинроқ эканлиги исботлаб берилган;

Ибн Сино “Ихлос” сурасига ёзган тафсири пантеизмга оид тафсир сифатида эътироф этилиши аниқланган ҳамда “Хувийят” тушунчаси негизда Аллоҳнинг барча куч-қудрати яширинган эканлиги очиб берилган;

Ибн Синонинг теологик қарашларида дин билан фалсафа ҳақиқатни топишга интилиши жиҳатидан бир-бирига зид эмаслиги, аксинча, бир-бирини тўлдириши, диний таълимотлардаги Илоҳ ҳақиқатини ақл ва мантиқ асосида ҳам билиш мумкинлиги, шу жиҳатдан дин ва фалсафа бир-бири билан уйғунлашиши мумкинлиги исботлаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда X-XI асрларда мусулмон дунёсида илоҳиёт илмининг ўрнинини кенг тушуниш ҳамда ушбу ҳудудда фалсафа фанининг тараққиёти, фанга нисбатан танқидларнинг юзага келиши, Ибн Сино тафсири мисолида пантеизм ғояларини акс эттирувчи тафсирлар мавжудлиги асосланган;

диссертация маълумотлари таҳлиллари ислом фалсафаси соҳасида ҳали яхши ўрганилмаган Ибн Сино илоҳиётига оид манбалар яхлит ва чуқурроқ билим ҳамда тасаввурлар бериши кўрсатиб берилган;

Ибн Сино теологиясининг мантиққа асосланган услуби, хусусан, алломанинг тафсир асарлари ўрганилиши натижасида дин ва фалсафа

уйғунлиги масласига доир тушунча ва қарашлар тақдим этиш мумкинлиги исботланган;

ислом фалсафаси соҳасида юртимизда амалга оширилиш керак бўлган тадқиқотлар бўйича таклиф ва тавсиялар берилган ҳамда Ибн Синонинг илоҳиётга оид манбаларини тафсир ва каломга оид асарларга солиштирган ҳолда ўрганиш, аллома тафсирининг ўзбек тилидаги таржима вариантларини яратиш таклифи берилган;

Шарқ ва Ғарб олимларининг фикрларидан дискурсив метод асосида унумли фойдаланиш механизми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқотнинг методологик базаси, қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда Шарқ ва Ғарб фалсафа мактабларида шаклланган илмий тадқиқот усуллари билан фойдаланилгани, жумладан, юнон ва мусулмон файласуфлари қарашларини қиёслаш, илоҳиётга доир мавзуларни рационал таҳлил этиш, билишни турларга ажратиш усуллари, хулосаларни илгари суришда айнан нодир манбалар матнига таянилгани ва далиллар билан асослангани ҳамда олинган натижаларнинг таҳлил ва талқин этилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ислом фалсафаси фани, дин ва фалсафа дин ва мантикий тафаккур, динни рационал тушунишга оид материаллар ҳамда ислом фалсафаси ва мутафаккирларига оид тайёрланадиган илмий тадқиқотларга асос бўла олиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида “Шарқ фалсафаси”, айниқса “Ислом фалсафаси тарихи”, “Диншунослик”, “Исломшунослик”, “Дин тарихи” каби фанлар, шунингдек фалсафа, гносеология масалалари ва ислом фалсафаси билан қизиқувчи илмий изланувчиларга, Ислом фалсафаси тарихини ўрганиш, хусусан, Марказий Осиёдаги ислом фалсафасига оид махсус курсларда ўқитиш ва ўқув қўлланма сифатида фойдаланиш билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот бўйича белгиланган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Ибн Сино фалсафий таълимоти мисолида рационал гносеологик масалаларни ҳар томонлама фалсафий-илмий таҳлил этиш, хусусан, аллома талқинидаги яккахудолик таълимотларига мослаштирилган Вожиб ал вужуд таълимотини ёритишдаги тадқиқот натижаларидан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида илмий-маданий жамоатчиликни кенг хабардор этиш учун “Ислом фалсафаси” қўлланмаси тайёрланган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро

илмий-тадқиқот марказининг 2019 йил 25 октябрдаги 02-401-сон далолатномаси). Натижада, марказда ташкил этилган методик ўқишларда Ибн Сино теологик таълимоти ҳақида имомларда маълумот шакллантирилган;

Ибн Сино илоҳиётининг Европа олимлари қарашларига таъсири “X-XI аср Марказий Осиё фалсафасида Ибн Сино таълимотининг тутган ўрни ва унинг тарихий, фалсафий илдизлари” деб номланган бобидаги маълумотлари асосида Дин ишлари бўйича кўмита, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси мутахассислари билан ҳамкорлигида буюртма асосида тайёрланган “Шарқ ва Ғарб илмий-фалсафий тафаккурининг ўзаро таъсири тарихига назар”, “Шарқ ренессанси даври алломалари ва мутафаккирлари асарларининг илмий-фалсафий ва бадиий-лингвистик тадқиқи” номли китоб чоп этилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2019 йил 12 октябрдаги 5640-сон маълумотномаси). Натижада, назарий фикр ва хулосаларнинг қўлланилиши ўсиб келаётган ёш авлодда тоқатлилик ва бағрикенглик маданиятини шакллантиришга қаратилган таълим ва тарбия технологияларини такомиллаштиришга кўмаклашган;

Ибн Сино пантеизмига оид “Хувийят” тушунчаси ҳақидаги маълумотлардан буюртма асосида “Ўзбекистон фалсафаси тарихи” китобини нашрга тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 15 октябрдаги 02/09-1408-сон маълумотномаси). Натижада, китоб тайёрланиб, унда мазкур илмий-назарий ғояларнинг жорий этилиши талаба ёшларда эзгу ва бузғунчи ғояларни фарқлаш малакасини оширишга таъсир этган;

Дин ва фалсафа синтези муаммосига ечим топишда Ибн Сино таълимотлари асосида тадқиқ қилиниши ва диний ҳақиқатларни рационал тафаккур орқали англашда Ибн Сино ёндашувларига доир назарий-методологик тавсияларидан Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказида буюртма асосида “Буюк Термизийлар” китоблар тўпламини тайёрлашда фойдаланилган (Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2020 йил 26 сентябрдаги 152-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур назарий фикр ва хулосалар аждодларимиз фалсафий меросини ўрганиш ва ёшлар онгида дин ва фалсафа уйғунлиги тушунчасини шакллантиришда хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та (2 та республика, 2 та хорижий

журналларда) мақола чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, урта боб, олти параграф, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 143 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тузилиши, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“X-XI аср Марказий Осиё фалсафасида Ибн Сино таълимотининг тугган ўрни ва унинг тарихий, фалсафий илдизлари”** деб номланган биринчи бобида X-XI аср Марказий Осиё фалсафаси гносеологиясини ўрганишнинг назарий асослари, Ибн Сино теологик таълимотини ўрганишда илмий манбалар ҳақида маълумот берилган.

Марказий Осиё фалсафаси гносеологиясини ўрганишда МДХ давлатлари олимларидан М.Асимов, Н.Баратов, М.Болтаев, А.Джахид, Ю.Жумабоев, М.Диноршоев, А.Закуев, А.Қосимжонов, С.Сатибекова, Е.Фролова, М.Хайруллаев, М.Степанянц, А.Сагадеев, Г.Шаймухамбетова, А.Шарипов кабиларнинг тадқиқотлари муҳим ўрин тутади.

X-XI аср Марказий Осиё фалсафаси гносеологияси деганда Ибн Сино, Беруний каби буюк даҳолар фалсафасини мисол келтириш мумкин. Шўролар даври фалсафа мактаби мазкур даҳоларни иложи борича моддиюнчи (материалист), дин танқидчиси қилиб кўрсатишга ҳаракат қилганлиги инкор этилмайди. Бир томонлама ёндашув натижасида буюк Шарқ файласуфлари қаторида Ибн Сино билиш фалсафасидаги Шарқона хусусият, ундаги илоҳиёт ва моддий дунёни англашга, боғлашга йўл очувчи ноёб рационал мағиз ҳам тадқиқотчилар назаридан четда қолди. Шарқ машоюнчиларининг таълимоти, хусусан, унинг тимсоли бўлган Ибн Синонинг гносеологик қарашлари ўз даврида аҳамияти нуқтаи назаридан ўша давр ҳукмрон элитасининг эътиборини ўзига тортди. Халифа Маъмун даврида “Байт ул-Ҳикма”нинг қурилиши ва унда юнон фалсафий мероси ўрганилишида давлатнинг ўзи ҳомийлик қилди, перипатетизмнинг ҳомийсига айланди.

Тадқиқотда миллий фалсафа илдизлари тадқиқ этилар экан, Ибн Сино фалсафасидаги Шарқ метафизикасида билиш билан боғлиқ масалаларни бутун дунёда мавжуд бўлган таҳлилий ёндашувлар дискурси орқали тизимли ўрганилиб, тарихий манбалар асосида ёндашувни шакллантиришга ҳаракат қилинди.

Марказий Осиё фалсафаси, хусусан, мусулмон фалсафасини ўрганишда – Ғарб тадқиқотчиларининг европацентризм ғояси хулосалар чиқаришга таъсир этган. Араблар рационал тафаккурига катта таъсир кўрсатган юнон фалсафасининг ўзи, бир неча тамаддунлар дунёқарашининг йиғиндисидан

ташкил топган. Эрон халқлари тафаккури, Зардуштийлик таълимоти, Ведалар ва буддавийлик дунёқарашлари юнонларни қизиқтиргани эҳтимолдан холи эмас.

Кейинроқ бу концепцияни Э.Ренан ривожлантиради: айнан мутакаллимларгина, яъни асл араб мутафаккирларигина бутун вужуди билан юнон фалсафасига қарши эдилар ва аббосийлардан бўлган “Форс руҳи” “арабча” дан устун келгандан сўнггина исломга юнон фалсафаси кириб келади деб ҳисоблайди. Лекин, калом билан шуғулланувчиларни мутакаллимлар дейилса, Абу Ҳанифа, Мотуридий, Абул Ҳафс Насафийлар туркий ёки форс бўлганлар. Мутакаллимларни фақат арабларга тенглаштириш воқеликка тўғри келмайди.

А.Сагадеев ўрта асрларда Европада фалсафа билан кўпроқ католик олимлар-неотомистлар қизиқишини айтиб ўтади. Бу борада Э.Жильсон, Л.Гарде, Ж.Вербек, М.Асин-Паласьос, Р.Арнальдес ва А.Корбенларнинг Марказий Осиё фалсафасига оид қарашларини ҳам мисол келтириш мумкин.

Марказий Осиё фалсафа тарихига европацентристик муносабат таҳлили ўз-ўзидан “Авесто”га бориб тақалади. “Авесто”ни қадимги грек файласуфлари: Солон, Сократ, Фалес, Аристотель, Платон, Гераклит, Демокрит, кейинчалик Ғарб олимлари: А. Перон, Х.Бартоломе, М.Бойс, И.Стеблин-Коменский, Ж.Келенс, Ж.Дюшен-Гиемен, Х.Хумбах, И.Гёте, А.Данте, В.Хеннинг тадқиқ қилганлар. Шу сабабдан ҳам уларнинг фалсафий қарашларининг шаклланишига “Авесто” ўз таъсирини ўтказган.

АҚШлик тадқиқотчи олим Фредерик Старр Марказий Осиёнинг IX-XII асрлардаги даврини “олтин аср” деб атайди. Марказий Осиёнинг олтин аср мутафаккирлари илмий ҳақиқатларга етишишнинг бир эмас, бир нечта усуллари мавжуд: дедукция, мантикий аргументация, интуиция, эксперимент ва кузатув усуллари<sup>10</sup>. Шунингдек, Старр Ибн Синони илоҳиёт соҳасида диннинг рационал асосини тадқиқ қилган, деб қайд этади.

Ибн Сино фалсафасини тарихий ретроспектив асосда таҳлил этишда унинг ижодига бўлган турли талқин ва ёндашувлар мавжуд бўлганини таъкидлаш зарур. Фредерик Старр Шарқ тафаккурига юқори баҳо бериб, барча воқеа ва тафсилотларни чуқур ўрганган. Унинг услубида “Ғарбча тадқиқот” етакчилик қилишини англаш мумкин. Олимнинг Беруний ва унинг “Осор ул-бақия” асари ҳақидаги баъзи бир фикрлари мунозарали. Берунийни йилнинг муддатини аниқлаштириш кўпроқ қизиқтирар эди. Гўёки Берунийнинг фикрича, ҳижрий йил ҳисобида хатоликлар мавжуд бўлиб, бу борада у қадимги мисрликларнинг секундларгача ҳисобга олганликларини юқори баҳолаган.

1980 йилда академиклар Е.Примаков, М.Асимов, Э.Юсупов, Г.Ашуров, фалсафа фанлари доктори В.Евграфов ва фалсафа фанлари номзоди Е.Фроловлар муҳаррирлигида Ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига бағишлаб “Ибн Сина” номли китоб нашр этилди. Унда алломанинг “Ишорот

---

<sup>10</sup> Старр Ф.С.. Утраченное просвещение: Золотой век Центральной Азии от арабского завоевания до времени Тамерлана. – Москва: Альпина Паблишер, 2017. – С. 48.

ват-танбеҳот”, “Рисалату-руҳ” каби асарлари таржимаси ва изоҳлар берилди.

Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1000 йиллигига бағишлаб, 1973 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан китоб нашр этилди. Мазкур китобда Берунийнинг борлиқ ҳақидаги қарашларига Ибн Сино таъсир кўрсатганлиги айтиб ўтилади.

У.Каримовнинг тахминига кўра, алломанинг 242 та асари бугунги кунга қадар етиб келган. Улардан 80 таси фалсафа, илоҳиёт соҳаси ва тасаввуф таълимоти, 40 таси тиббиёт, 19 таси мантиқ, 26 таси психология (руҳшунослик), 23 таси табиатшунослик, 7 таси астрономия, 1 таси математика, 2 таси алхимия, 9 таси ахлоқ-одоб, 4 таси адабиёт ва 8 таси эса замондош олимлар билан илм-фаннинг турли муаммоларига тааллуқли ёзишмаларга тегишлидир<sup>11</sup>.

Таниқли шарқшунос олим А.Ирисов Ибн Синонинг фалсафага доир асарлари сонини бир қанча манбаларга суяниб, 68 тадан 198 тагача эканлигини келтириб ўтади<sup>12</sup>.

Ибн Синонинг 18-жилдлик “аш-Шифо” номли асарига кирган йирик фалсафий асарларидан бири “ал-Илоҳиёт” (“Метафизика”) китобидир<sup>13</sup>. Асар ўнта мақола ва олтмиш бир фаслдан иборат. Ибн Синонинг бу асарига Аристотелнинг ўн тўрт мақоладан иборат алифбо тартибида жойлашган “Метафизика” асари асос бўлган.

Асрлар давомида Ибн Сино илмий меросини ўрганаётган, тадқиқот олиб бораётган изланувчилар кўплигига қарамай, бугунги кунда ҳам баҳсли манбалар мавжуд. Бу манбалар Ибн Сино қаламига мансуб бўлиб, ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Шундай асарлардан бири “ал-Ҳикма ал-машриқия” (“Шарқона фалсафа”) асари бўлиб, бу рисола ҳақида Ибн Синонинг ўзи ҳам эслатиб ўтган. Ўрта аср биографи Ибн ал-Кифтий Ибн Сино томонидан бир томлик “Шарқ фалсафаси” асари ёзилганини қайд этган.

Ибн Синонинг “Аш-Шифо”, “Ишорат ва танбеҳот”, “ан-Нажот”, “Донишнома”, “ал-Мабда вал маъод”, “Рисолаи мантиқ”, “Ҳикмати машриқия”, “Китоби ҳидоя” асарларида теологик таълимот баён этилади.

Ибн Сино тафсир, ақоид илмларига оид мавзуларда ҳам китоблар ёзган. Мазкур асарлар аллома даврида кўпчиликни қизиқтирган масалалар, савол-жавоблар тариқасида ёзилган рисоалардир. Бу асарлар кўлёмаларининг бир қисми ЎзР ФА ШИ кўлёмма фондида сақланади. Масалан: “Рисолат меърожия” (Меърожга оид рисола)<sup>14</sup>, “Рисола фи анна ло маҳофата лилмавт” (Ўлимнинг хавфи йўқлиги ҳақидаги рисола)<sup>15</sup>, “Асрор ас-салот” (Намоз сирлари)<sup>16</sup>, “Тафсир суврат қул хуваллоҳу аҳад”<sup>17</sup>. Шунингдек, мутафаккир “ал-Фалак” ва “ан- Нос” сураларига ҳам тафсирлар ёзган.

<sup>11</sup> Каримов У.И. Буюк аллома// Шарқ юлдузи. –Тошкент,1989. - № 11. –Б. 199.

<sup>12</sup> Ирисов А. Абу Али Ибн Сино. Ҳаёти ва ижодий мероси.-Т.:Фан, 1980. – Б .172-173.

<sup>13</sup> Ибн Сино. Ал-Илоҳиёт. тақдим Иброҳим Мадкур. таҳқиқ Қанавотий ва Саид Зоид, 2 жилдди, ал-Қоҳира, 1960, 478 сах.

<sup>14</sup> ЎзФА ШИ фонди, инв. №2385/XXXVII; Мирзаев С. Библиография. –Б.16, №34.

<sup>15</sup> ЎзФА ШИ фонди, инв. №2385/XXI; Мирзаев С. Ўша асар, -Б.18, №42.

<sup>16</sup> ЎзФА ШИ фонди, инв. №2385/XXIV; Мирзаев С. Ўша асар. – Б.24, №62.

<sup>17</sup> Ўша манба, 31-асар; Мирзаев С., Ўша асар, -Б. 25, № 64.

Ибн Синонинг “Ихлос ва Фалақ суралари тафсири” китобининг умумий ҳажми 110 бетдан иборат. Тафсир соҳаси илк ислом илмларидан ҳисобланади. Алломанинг бу соҳадаги рисоалари “тафсир бир-раъй” (ақлий тафсир) туркумига киради. “Раъй” сўзи ислом шариати истилоҳида “эътиқод”, “ижтиҳод” ва “қиёс” каби маъноларни англатади.

Ибн Рушд илоҳиёт соҳасининг олими Абу Ҳомид ал-Ғаззолийнинг фалсафий қарашларига раддия сифатида, айниқса, унинг “Тахофут ал-фалосифа” (Файласуфларни рад этиш)<sup>18</sup> асарига «Тахофут ат-тахофут» (Раддиянинг рад этилиши)<sup>19</sup> асарини ёзади. Бу асарда Ибн Рушд Ғаззолийнинг қарашлари, илмий билишдаги баъзи бир иррационалистик ғояларни танқид қилади. Ибн Сино теологик таълимотини ўрганишга оид манбаларни бирламчи, назарий ва методологик сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Ибн Сино илоҳиётидаги диний ҳақиқатларни рационал методда тадқиқ этишга қаратилган ишларни МДҲ ҳудудида ёзилган диссертацияларда кўриш мумкин. Бунга мисол тариқасида : О. Махмудовнинг «Европада Марказий Осиё олимлари илмий меросини ўрганишда Толедо мактабининг ўрни (XII–XIII асрлар)» номли диссертацияси, Р.Г. Садиқовнинг “Ибн Сино фалсафасида инсон ва олам” мавзусидаги фалсафа фанлари бўйича номзодлик диссертацияси, Ё.Б.Ниёзовнинг «Ибн Сино фалсафаси замонавий араб тадқиқотчилари таърифида» мавзусида фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, М.Х.Раҳимовнинг «Абу Али Ибн Сино антропологияси» мавзусида фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, С.А.Султоновнинг “Ибн Сино Франция фалсафаси анъаналарида” мавзусида фалсафа фанлари номзодлиги учун ёзилган диссертациясини мисол қилиб келтириш мумкин.

Диссертациянинг **“Ибн Сино фалсафасининг теологик характери ва унда гносеология масалалари”** номли иккинчи бобида Ибн Сино теологик таълимотида рационал тамойиллар ва уларнинг шаклланиш хусусиятлари, олимнинг тафсирида рационал ва иррационал қарашлар диалектикаси ҳақидаги илмий-назарий таҳлил ўрин олган.

Ибн Сино дунёқараши Форобий асарлари таъсирида шаклланди, у ижтимоий-фалсафий масалаларда Форобий қарашларини давом эттирди, фалсафий оқимни янги табиий-илмий фикрлар билан бойитиб тизимлаштирди ва янги босқичга кўтарди. Ибн Сино талқинидаги метафизика кенг маънодаги борлиқ ҳақидаги таълимот бўлиб, аниқ фанлар билан узвий алоқада бўлади.

“Барча фанларни тамойиллари мана шу фанга асосланади. Гарчи уни охири ўргансаларда, ҳақиқатда у энг аввалгидир”<sup>20</sup>.

Форобийда моҳият ва мавжудлик муаммосининг ёритилиш усули Ибн

<sup>18</sup> Ўша манба. –Б.280.

(غزالي. تحافت الفلاسفة. تحرير و تشریح دكتور على بملحو. – بيروت. دار المكتب الهلال. 2002-ص 280)

<sup>19</sup> Қаранг: Ибн Рушд. Тахофут ат-тахофут / Доктор Сулаймон Дунё таҳрири остида. –Қоҳира: Дарул маъориф, 1964. – 536 б.

(ابن رشد. تحافت التحافت. تحرير دكتور سليمان دنيا. القاهرة. دار المعارف. 1964. - ص 536)

<sup>20</sup> Ибн Сина. Даниш-наме./ Пер. А.М.Богоутдинова. Сталинабад, 1957.- С. 142.

Синода асарларида кўрилган. Муаммонинг бундай кўйилишидаги энг аҳамиятли хулоса – бу, илоҳий борлиқнинг мутлақ зарурлигини таъкидлашдир. Бу ерда моҳият илоҳий борлиқ мавжудлиги билан мос келади. У Ибн Синода шахсий тавсифсиз, антропоморф характеристикасиз гавдаланади ва Вожиб ал-Вужуд деб аталади<sup>21</sup>.

Ҳозирги хорижлик олимларнинг тадқиқотида кўра, Ибн Синонинг “Шарқ фалсафаси” кўлёмасининг нусхаси Туркия кўлёмалар фондида № 2403 ҳамда № 4894 рақами билан сақланган. Муқовада :”Ибн Синонинг шарқ фалсафаси асари”, деб ҳамда: “уни Шайх ур-Раис Ибн Сино тузган” деб ёзилган; кўлёмма нусхасида “ Қуръони карим” дан оятлар ҳам келтирилган бўлиб, “ настаълиқ ёзувида “ушбу китоб икки олам султони, хоқони Султон Ибн Султон ал-Ғози Махмудхоннинг таклифига биноан, асар вақф мулкларни назоратчиси, Ахмад Шайхзода томонидан кўчиртирилган деб қайд этилган.

Ундан ташқари, Ибн Синонинг ЎзССР ФА ШИ сақланувчи бир қанча кўлёмалари мавжуд бўлиб, тадқиқотимизда уларни қиёсий ўрганиш имкони туғилди. Булар аллома даврида кўпчилиқни қизиқтирган масалалар, унга берилган саволларга жавоблар тариқасида ёзилган рисодалардир. Бу асарлар дастлаб шарқшунос олим А.Ирисовнинг ишларида кўрилган бўлиб, ҳозирги кунда кўлёмалар ЎзССР ФА ШИ китоб фондида сақланади: “Тафсир суврат сабих исма раббик” (ЎзССР ФА ШИ фонди, инв. № 2385, ўттизинчи асар; Мирзаев С.; Ўша асар, 24-бет, № 63), “Тафсир суврат кул ҳуваллоҳу аҳад” (ЎзССР ФА ШИ фонди, инв. № 2385, 31- асар; Мирзаев С.; Ўша асар, 25-бет, № 64), “Тафсир суврат ал-фалақ” (ЎзССР ФА ШИ фонди, инв. № 2385, 34-асар. Бу асар Техронда Ибн Синонинг “Панж рисола”си ичида чоп этилган, 51-58 сах.), “Тафсир суврат аннос” (ЎзССР ФА ШИ фонди, инв. № 2385, 35-асар. Бу рисола “Панж рисола” ичида келган.), “Тафсир суврат тавҳид” (Ибн Сино, Панж рисола, 37-50 сах.), “Тафсир суврат аузу бираббин-нос” (ЎзФА ШИ, инв. № 2385/XXXV)...”<sup>22</sup>.

Шу билан бирга Ибн Синонинг “Ан-Нажот”, “Ҳикмати машриқийя”, “Ишорат ва танбеҳот”, “Рисолаи мантиқ”, “Китоби ҳидоя”, “Донишнома” номли китобларида мантиқ ва фалсафага оид тушунчалар кўрсатиб ўтилади. Файласуф мантиқни ҳамма илм соҳаларининг ибтидоси сифатида келтириб ўтади.

Ибн Синонинг фанлар классификациясига кўра “Ма баъда ат табиа” яъни “Метафизика” соҳаси уч қисмдан иборат: биринчиси, борлиқ тўлалигича ўрганилади; иккинчиси, фан соҳаларининг ибтидоси аниқланади; учинчиси Вожиб ал вужуд ва ундан келиб чиқувчи мавжудлик соҳалари ўрганиб чиқилади. Файласуфнинг табиатдан ташқари соҳасидаги материя абадий ҳисобланиб, мазкур метафизикавий тушунчалар икки йўналишлидир. Бу эса ўз навбатида, яккахудоликка асосланган диний таълимот намояндалари

<sup>21</sup> Хивар ал-Бируни ва Ибн Сина. Абдулкарим ал-Йафи. – Дамашк: Дарулфикр, 2002. –Б.56.

(حوار بيرونى و ابن سينا. عبد الكريم اليافي. – دمشق. دار الفكر. 2002 ص 56)

<sup>22</sup> А.Ирисов. Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси, Тошкент, Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти, 1980 й., Б.-189.



томонидан эътирозга сабаб бўлган. Шунингдек, олим томонидан материянинг абадий деб эълон қилиниши мутакаллимларнинг атомистик тизим ва бўшлиқ каби таълимотларни ҳам рад этарди. Ибн Сино томонидан ишлаб чиқилган эманация таълимотига кўра бутун борлиқ Вожиб ал вужуддан нур каби таралади. Шунга кўра Яратувчи тажаллисидан нурни қайд этилиши борлиқдаги ҳамма нарса Худога тегишли эканлиги ва яна унга қайтишини кўрсатади. Мазкур таълимот Ибн Синонинг “Алмабда вал маъод” асаридан атрофлича ёритиб берилган. Ибн Синога биринчи назарий манба албатта, юнон-рим фалсафаси бўлди. Кўпгина тадқиқотчилар Ибн Сино фалсафаси Платон ва Аристотель фалсафасининг эклектик бирлашувидир деб ҳисоблайдилар ёки бошқалар уни Платончи ва янгиафлотунчи дейдилар.

Ибн Синонинг ижодига тегишли фактларнинг кўпи шундан далолат берадики, у гносеология соҳасида Платондан фарқли ўлароқ материалистик назария тарафдори бўлган. Мутафаккир ўз асарларида платон-пифагорча “математик идеализм”ни танқид остига олади.

Платоннинг эманация назариясидан олинган Ибн Сино таълимоти эса, натурализм руҳида тартибга келтирилган ва у муаллиф вариантдан анчагина ажралиб туради. Ғарб олимлари Ибн Синони натуралистик мистицизм ёки неотомизм намоёнчаси, баъзилари эса Ибн Сино таълимоти Худонинг трансцендентлиги ғоясига асосланган, деб кўрсатадилар. Яна баъзилар эса Ибн Синони материалистик дунёқараш тарафдори, дейди. Ғарб тадқиқотчилари файласуфни интеллектуал гностицизм намояндаси, изчил моддиюнчи бўла олмагани каби изчил идеалист ҳам бўлмаган дейдилар.

Юнон файласуфи Аристотель сабабият масаласини ўз асарларида изчил кўрсатиб ўтди. Сабабият борлиқда энг универсал тарзда амал қилади. Борлиқ келиб чиқишининг сабабий таҳлилида дастлабки сабабиятнинг тўрт шаклини ҳам очиб берган эди: 1) моҳият сабаб; 2) моддий ёки материал сабаб; 3) ҳаракатланувчи сабаб ёки яратувчи асос; 4) мақсад сабаб.

Демакки, борлиқнинг шаклланиши дастлабки боқичидаёқ унинг энг юқори қисмида Аристотел таърифлаб берган “сабаблар” (тўрт сабаб) сифатида логос қонуни пайдо бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Аристотел борлиқда сабабият тамойили кенг миқёсда амал қилади деган ғояни илгари суради.

